

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

Наргиза ИСОҚОВА,

НамДУ Ижтимоий фанлар факультети

Тарих кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Бу мақолада ўйинларнинг болаларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида ўйинларнинг ўрни ва роли ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: Ўйин, ўйинчоқ, қизиқиш, ташкилотчилик, жамоа, чиллак, эҳтиёж, таълим-тарбия.

Тарихий манбаларга мурожаат қилсак, ўзбек халқининг миллий спорт ва халқ ўйинлари аҳолининг яшаш шароитига қараб, хилма-хил бўлганлиги ва ёшларни фаол, сермахсул фаолиятга тайёрлаб борганлигига гувоҳ бўламиз. Бундай миллий ўйинларимизнинг умумий миқдори 3–5 мингдан кам эмас. Бу ўйинларни излаб топиш, ўрганиш ва халқ орасида янгидан тарғиб қилиш маънавиятимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, тарбиявий иш мазмунини янада чуқурлаштиради.

Аждодлардан мерос маънавий бойликлар, қадриятлар орасида болалар ўйинлари ўзига хослиги, бугунги даврга мослиги билан алоҳида ажралиб туради. Миллий ўйинлар замонлар чархпалагида чархланиб, маълум бир тарихий-бадий ва трансформацион жараёнларни босиб ўтади. Ҳар қандай ўйин маълум бир муҳитда, шароитда ўзгаради ёки ривожланади, лекин унинг асл мазмун-моҳияти эса сақланиб қолаверади.

Таниқли олим М. Қуронов ўзининг «Миллий тарбия» монографиясида «ўйнамоқ» сўзини шундай тавсифлайди: «Ўйнамоқ бола билан унда ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни йўқотиш мақсадига йўналтирилган маълум қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ўйинларни бирга ўйнаш».

Халқимизда ҳаётий тажрибага асосланган бир матал мавжуд: «Ҳаётдаги қоғозбоз (бюрократ) – болалик чоғида кўп ўйнай олмаган бўлади». Агар мактабгача ёшдаги бола тўйиб ўйнамаса, демак биз унга кўп нарса бера олмаймиз, унинг келгуси ҳаётида кўп нарса етишмайдиган бўлади. А. Р. Лурия ва Ф. Я. Юдович олиб борган бир қизиқарли психологик тадқиқотда ривожланиши анча ортда қолган икки нафар эгизакнинг тарихи кузатилган. Эгизаклар бошқа болалардан ажратилган ҳолда ўсганликлари натижасида уларда фақат ўзларига хос, ўзларигагина тушунарли бўлган имо-ишора ва товушлар бирикмасига асосланган тил пайдо бўлган. Уларнинг нутқи тўлиқ нарсалар

ҳаракатига боғлиқ бўлган: катталар нутқини яхши тушунишса ҳам улар фақат кўрган нарсаси ва нима қилаётганлиги ҳақида гапира олар эди. Бу болалар умуман ўйнашни билишмас эди. Улар нарсанинг ўйин пайтидаги янги маъносини тушуна олмас ва бу нарса билан ёлғондакам бирор нарса қилолмас эдилар. Болаларга ўйинчоқ пичоқнинг супурги эканлигини айтишиб, у билан қандай билан супурса бўлишини кўрсатишади. Одатда, 3-5 ёшдаги болалар бундай талабларни жон-жон деб қабул қилишади. Аммо бу эгизаклар, кўлларига пичоқни олиб қалам тарашлай бошлайди ёки бирор нарсани кеса бошлайди. Ўйин пайтида катта киши қошиқни болта деб тушунтириб, у билан ёлғондакам дарахт кесишни таклиф этса, болалар хайрон қолишарди: улар қошиқни қандай қилиб болта бўлиши мумкинлигини ҳеч тушунмас эди. «Зерикарли оддий ўйинлар – болаларнинг ақлинигина эмас, балки, тарбиясини ҳам кўрсатади» дея, қайд этганди америкалик этнограф Маргарет Мид.

Ўйиннинг бола ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир, катта ёшдаги кишининг ҳаётида фаолият, иш, хизмат қандай аҳамиятга эга бўлса, бола ҳаётида ўйин ҳам шундай аҳамиятга эга. Бола ўйинда қандай бўлса, катта бўлганида ишда ҳам шундай бўлади. Шунинг учун, келажакда фаолият эгаси бўлиб етишадиган болалар энг аввало ўйинда тарбияланади. Бинобарин, ҳар бир боланинг улғайганда қандай фаолият эгаси ва қандай ходим бўлиб, етишувининг бутун тарихини, ўйиннинг мураккаблашиб боришида ва унинг аста-секин ишга айланиб боришида кўрмоқ мумкин.

Ўйинчоқнинг болаларга қанчалик таъсир кўрсатиши ва болаларнинг ўйинга бўлган муносабати катталарнинг уларга қанчалик тарбия бера олишига ва жамиятда тарбия топишига боғлиқ. Болаларни ҳар томонлама камол топтириш учун ўйинчоқларни уларнинг фаолиятига, руҳий ва жисмоний ривожланишига, қобилияти, кўникмаларининг шаклланишига мос келадиган қилиб танлаш лозим.

Боланинг ўйинга қизиқиши унда ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмун жиҳатдан бой ижодий ўйинлар яратилиши лозим бўлади, бунга эса ўз навбатида яхши уюштирилган болалар жамоаси зарур. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилиб, ҳаётий фаоллик ортади, кўтаринки кайфият, эмоционаллик тарбияланади ва бошқарилади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида ўйин айниқса, режалаштирилган ижодий ўйиннинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Мактабгача тарбия ёшидаги боларнинг ҳаёлий тасаввурлари анча кучли бўлади. Болаларнинг ижодий ўйин вақтида яратаётган образлари, уларнинг ҳикояларидаги ва эртакларидаги образлар ёрқин, жўшқин образлар бўлади. Бу образлар идрокка яқинлашиб қолади дейиш мумкин. Чунончи, ёғочни «от»

қилиб чоғиб бораётган бола ўзини худди чинакам отда чоғиб бораётгандек ҳис қилади. Болалар ўйин қондасининг бузилишига бирор катта, ўта аҳамиятли ишнинг бузилиши сифатида қарайдилар.

Ўйинларнинг давр синовидан ўтганлари ҳозиргача сақланиб, аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Ўғил ва қиз болалар ўртасида «Чиллак», «Тўп», «Ердан баланд», «Оқ теракми, кўк терак», «Тўптош», «Читтигул», «Чизги», «Қуёним, қуёним не бўлди?» каби ўйин ва ўйин кўшиқлари юртимизнинг турли ҳудудларида, турли номда учрашига қарамай, улар бир хил мазмун ва мақсадга йўналтирилган. Шу ўринда аждодларимиз қадимдан ардоқлаб ўйнаган «чиллак» ҳақида батафсилроқ тўхталсак. Бу ўйинни тоғ ён-бағридаги қишлоқ болалари севиб ўйнашган. «Чиллак» ўйини учун алоҳида жой шарт эмас, икки учи йўнилган чиллак (тол ёки терак шохидан ясалган) ни «учириш» учун даста бўлса етарли. Ўйинни қуръа ташлаб ёки тангани тирноқда ҳавога учириб, ерга қайси томони билан тушишига қараб, ўйин қайси гуруҳ томонидан бошланиши аниқланади. Ўйин бошловчи гуруҳбоши чиллакни махсус қовланган чуқурча ёнига қўйиб, даста билан олиб олиб, ҳавога кўтариб, сўнг зарб билан уни дастада уриб, иложи борича узоққа учиради. Майдоннинг нариги томонида этагини қулочига ёзиб турган рақиб гуруҳи, урилган чиллакни имкони борича тутиб олишга ҳаракат қилади. Агар тутиб олишса, чиллак учириш навбати шу заҳотиёқ уларга ўтади. Аммо шиддат билан ҳавода учиб келаётган чиллакни тутиб қолиш осон иш эмас. Энди чиллакни учиб бориб тушган жойидан учирилган жойига-чуқурчага қўлда улоқтириш керак. Уни шундай мўлжал билан улоқтириш керакки, имкони борича чўп уриб юборилган чуқурчаси устига бориб тушсин. Бу вазифани ҳам энди ўйиннинг анча ҳавосини олган бола бажариши керак. Қайта улоқтирилган чиллак чуқурчага тушса ёки чиллак-дастада ўлчанганда, бир даста етгулик жойда бўлса, рақиб гуруҳ чиллак отиш навбатини қўлга киритган ҳисобланади. Агарда даста билан ўлчанганда, бир даста эмас, 3–5 даста масофа қолган бўлса, рақиб гуруҳ чиллак отиш навбатини қўлга кирита олмаган ҳисобланади. Чиллак отувчи гуруҳ уни тушган жойигача неча даста масофа қолганини ўлчагач, даста билан турган чиллакни йўнилган учига уриб, ҳавога кўтаради. Ўша муаллақликда зарб билан уриб, майдонга учиради. Бу ҳол унинг қанча узоқликка бориб тушишига қараб кўп марта такрорланади. Энди навбат ўйин қондасидаги «зувиллаш»га келади. Рақиб томон вакили ёки вакиллари ўйинбоши ҳамроҳлигида, бир чуқур нафас олган ҳолда зувиллаганча чиллак учирилган маррасига етиб келиши керак. Зувиллаб келаётган бола қайта нафас олгудек бўлса, у ҳолда рақиблар ғолиб ҳисобланади. Мағлуб ўйинчи чиллак отган гуруҳ вакили ёки вакиллари орақасига ортмоқлаб кўтариб, маррага келтириб қўйишлари шарт. Шу тарзда ўйин 3-4 соат давом этиши мумкин. «Чиллак ўйин», «Оқтош» ўйини

ҳақида батафсил маълумотни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев асарларида ҳам тасвирланган. Қуйида муаллифнинг шахсий кузатишлари асосидаги фикрлари берилмоқда.

Изоҳ. Ўйлаб қарасам, болалар ўйинларида гап кўп экан. Биз ўша ўйинларда фақат жисмонан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам чиниқар эканмиз. Қандай одам бўлдик? Бу – четдан қараганда маълум. Бироқ, биздаги, шахсан ўзимдаги айрим сифатлар заминини ҳам ўша ўйинлардан кўраман. Ахир, ўйинда, фирромлик қилган айрим дўстларимизнинг кейинчалик, катта бўлгандан кейин ҳам ҳаётда фирромлик қилганликларига гувоҳмиз. Ёхуд бунинг аксича. Қисқаси, болалик ўйинлари ҳар биримиз учун ажиб бир синов даврлари – жабҳалари бўлар экан.

Жисмоний тайёргарлик аждодларимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигини маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлган ўзбек миллий ўйинлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, жасур ва баркамол аждодларимиз Амир Темур, Заҳридин Муҳаммад Бобур, Жалолидин Мангуберди каби Ватан озодлиги учун курашганлар ўзларини жисмоний баркамол бўлишлари учун миллий характер ва мазмундаги ўйинлардан ҳам кенг фойдаланганликлари тарихий манбаларда қайд этилган.

«Кўчада мен болалар билан ўйнардим,-деб ёзади соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Таржимаи ҳол»ида. – Болалар билан уруш-уруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардим-да, ўйинни бошқарардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи бир гуруҳи билан уруштиришни машқ қилардим».

«Ўн икки ёшга тўлганимда, – деб ёзади, у, – болаларча ўйинлардан орланадиган бўлдим», «Ўн беш ёшга тўлганимда от миниб овчилик қилишни жуда севиб қолдим ва бу ишда маҳоратим камолотига етди» – деб ёзади соҳибқирон.

Болалар ўйинлари қайси шакл, мавзу, йўналишга эга бўлмасин, лой-тупроқ биланми, ёғочу калтакми, ипу арқон биланми, қайсиси бўлса ҳам болани турмуш икир-чикирлари, уй-рўзғор ва хўжалик ишлари, умуман катта ҳаётга тайёрлашда ўзига хос ҳунар мактаби ролини ўйнаган.

Боланинг келажакдаги ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмун жиҳатдан бой янги ижодий ўйинлар яратилиши лозим. Бунинг учун эса ўз навбатида яхши уюштирилган болалар жамоасини шакллантириш зарур. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилиб, ҳаётий фаоллик ортади, кўтаринки кайфият, эмоционаллик тарбияланади ва бошқарилади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний ва руҳий тарбиялаш жараёнида ўйин, айниқса, режалаштирилган ижодий ва миллий ўйинларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Қайси хонадонда таълим- тарбия юксак бўлса, шу жойда хотиржамлик бор.

Ота- она давр билан ҳамқадам бўлмаса, улгурмаса, ундан орқада қолади. Фақат ўзлари эмас, фарзандлари ҳам. Замондан орқада қолиб бахтли бўлиш мумкинми? Йўқ. Чунки, орқада қолганлар – кечикканлар дейилади. Кечикканларга эса бошқалардан қолган бўш жойлар тегади.

Соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришда, уларда миллий рух, ватанпарварлик ғояларини камол топтиришда миллий болалар ўйинларининг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда унутилиб бораётган миллий болалар ўйинларини сақлаб қолиб, ёш авлодга етказиш келажак авлодни тарбиялашда таянч бўлиб хизмат қилади ва тарихимизни янада бойитади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз ҳам бўлади”. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017, – Б. 415.
2. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли (Таржимаи ҳол). – Т.: Нур, 1992, – Б. 31, 32.
3. Арифханова З.: Нозимов О.: Жуманазаров Э.: Исоқов Б. Соғлом авлод тарбиясида болалар ўйинларининг роли / Алпомиш халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Фарғона, 2000. – Б. 5.
4. Иванов П. И. Психология. – Т.: «Ўқитувчи», 1960. – Б. 180.
5. Насриддинов Ф. Камолот ва маънавият сабоқлари. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашри, 1998. – Б. 208.
6. Қуронов М. Миллий тарбия. Республика маънавият ва марифат кенгаши. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 117.
7. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз ... – Т.: “Маънавият”, 2013, – Б. 45, 320.
8. Мактабгача ёшдаги болаларни ўйинлари ва ўйинчоқлари. // Мактабгача таълим. 2001. №6. – Б. 6.
9. Мид М. Культура и мир детства. –М.: Наука, 1988. –С. 211.
10. Макаренко А. С. Избранные педагогические сочинения. В 2-х т. М.: Педагогика, 1978. – С. 33.
11. Саломатлик: оммабоп медицина энциклопедияси. – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. 1985. – Б. 494.
12. Исҳоқов Б. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. // Болалар дунёси, 2005 йил, 14 январ. – Б. 4.
13. Холмирзаев Ш. Сайланма II жилд: Ҳикоялар. – Т.: «Шарқ, 2005. – Б. 192 –222. Холмирзаев Ш. Сайланма: III жилд: Ҳикоялар. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 28 –60.